

Юрт бўйнидаги килич ёки истило

Муаллиф:
20.02.2014 18:00 -



Бу халкка (ўрта осиёликлар — туркистонликларга) иложи борича, мумкин кадар кўпроқ пахта эктириш, уларни тинимсиз ишлашга мажбур этиш керак, токи бу халкнинг бошка нарсаларни ўйлашга, сиёсий воеаларни англаб етишга бир зум хам вакти, хохиши колмасин... Амир исёнкорларидан бирортаси хам асир олинмасин, кулга тушганларнинг хаммаси, хаттоки ярадорлар хам отиб ташлансин!... Биз хон билан эмас, балки халк билан тўкнашдик. Уни бостириш осон бўлмади, Руслар Ўрта Осиёда бундай (Кўкондагидек) узок ва каттик каршиликка дуч келмаган эдилар...

Улуг рус подшохи бизга кўшни давлатларда хон ва халк ўртасида низо чикишига йўл кўймаслигига инончимиз комил...

Фон Кауфман, Туркистон генерал-губернатори.

Гафлатда ётган халкни уйготиш учун унинг тарихини уйготмок керак.

Августин, илохиётчи.

Хеч бир миллат бошка миллатларни эзишда давом этиб, ўзи озод бўлолмайди.

К. Маркс, Ф. Энгелс.

Туркистон мустамлакачиликнинг энг ёркин намунасидир...

Золим капиталистлар Россияда бошка халкларга жаллодлик ролини ўйнаган эски, конли ва ифлос ўтмишни битиришимиз лозим. Биз бу ўтмишни тилка-тилка килиб ташлаймиз. ор монархияси миллатларнинг эркин ва teng хукукли бўлишига йўл кўймайди ва бундан ташкари Европада ва шунингдек Осиёда вахшийлик, йирткичлик ва реактсиянинг асосий таянчидир.

В. И. Ленин.

Чор Россияси хукumatини рус халқидан ажратадан билмаган киши ёмон сиёsatдондир.

А. И. Герцин, ёзувчи.

Ўрта Осиё —рус тожидаги энг кимматбахо дур.

Вишнегородский, Россия империяси молия вазири.

Росиянинг келажаги Ўрта Осиёдан.

А. Горчаков, Россия ташки ишлар вазири.

Тарих—хакикат чироги.

Сицрон.

Юрт бўйнидаги килич ёки истило

Муаллиф:
20.02.2014 18:00 -

Шарк билан алокада Козогистон тасарруфи калит ва дарвоза хисобланади. Шунинг учун миллионлаб пул сарфланса хам Козогистонни бўйсундириш ёки, хеч бўлмаса, у ерда Россия таъсирини ўтказиш зарур.

Петр II, Россия императори.

Руслар бу ерларга (Орта Осиёга) бир-икки кунга эмас, агадулабад келган. Энди оркага кайтиш йўк!

В. Перовский, Оренбург генерал-губернатори.

Биз каерни босиб олган бўлсак, ўша ерда оркамиздан буруксиб кора тутун кўтарилар эди...

Дорга осилган одамлар типирчилаб турганларида расмларини чизганман. Бир муллаваччани минорадан улоктириб юбордим.

В. Верещагин, Туркистон боскинида катнашган рус рассоми ва зобити.

Накл этишларича, подшо Петр II ўлими олдидан икки нарсанни амалга ошира олмаганлиги учун армон билан кетаётганини айтган: Прут якинида 1711 йилдаги жангда Туркиядан енгилганлиги ва Бекович-Черкасскийнинг 1717 йилдаги Хивага харбий юриши тор-мор этилганлиги учун касос ололмаганлигига каттиқ афсус чеккан.

А. С. Пушкин, шоир.

Европага биз кашшок кариндош ва кул бўлиб келдик. Европа йўлларида шапкамизни тутиб тургандан кўра, ўзимизни Шаркка урганимиз афзал...

Россия ўзи учун Осиёни очса, икки юз йиллик танбаллик ва маҳмаданагарчиликдан кутулади. Агар Европада бизни татар деб билган бўлсалар, Осиёда бизни европалик деб танишади. Осиёни маданийлаштиришга киришсак, охир-окибатда бу бизнинг руҳимизни кўтаради ва биз ўзимизнинг ким эканлигимизни англаб оламиз...

Биз ўзимиз ўз еримизда илмлар соҳасида чаласаводмиз. Осиёга кириб борсак, биз у ерларда арбоблар саналамиз, бизда мустакил иш юритиш руҳи уйгонади, биз уддабурон халк бўлиб коламиз. Европада дум бўлгандан кўра, Осиёга бош бўлган афзал...

Ф. Достоевский, ёзувчи.

Эрталаб отам Туркистон урушидан кайтган бир юнкер билан гурунглашиб, унинг арок ичиш-ичмаслигини сўраб колди. У «ахён-ахёнда ичиб тураман», деб жавоб берди. «Нима учун ичасан?»—деб сўради отам. «Мана, масалан, генерал Скobelев бутун ахолини (Кўктепа калъасида) кириб ташлаш керак бўлиб колганда аскарлар бундай килишдан бош тортдилар, киргинни амалга ошириш учун аскарларни ичкизиб, маст килишлари зарур бўлди», — деб жавоб килди юнкер.

Дадам бир неча кунгача буни унотолмай, хаммага хикоя килиб юрди.

Татьяна Сухотина — Толстая (Л. Н. Толстойнинг кизи, «Эсадаликлар»идан).

Ўлкани (1860-70-йилларда Ўрта Осиё ва Козогистонни) руслар эгаллагандан кейин ахолининг ахволи кундан-кунга ёмонлашиб ва огирашиб борди. Ахолидан биз кўп нарсанни талаб этмоқдамиз. Улардан солик йигишда эса биз тобора юксакликка кўтарилимокдамиз, лекин халкка нима килдик? Тошкентда ва турли комиссияларда айтилган сўзлардан бошка халк хўжалиги учун биз хеч нарса килмадик.

Муаллиф:
20.02.2014 18:00 -

Ч. Раевский, чор Россияси амалдори.

Биз энг аввало Ёйик дарёси оркасидан кўчиб келган казаклар (козоклар)ни мукимлаштиришимиз ва кора-киргизлар (киргизлар)нинг турли элатларини ўзимиз томонга оғдириб, сўнгра уларда кўконликларга карши душманлик хислари уйгонишини кўллаб-кувватлаб туришимиз керак.

Г. Госфару, Сибир корпуси кумондони (1858 йил 12 октябрда император Александр II га йўллаган расмий таклифларидан).

Кўзголончилар (Дукчи Эшон бошлиқ 1898 йилдаги кўзголон) бизнинг уйқуда ётган 22 солдатимизни ўлдирганларни учун бунинг хунига исёнчилардан 22000 кишига ўлим жазоси берилиб, 300 киши Сибир сургунига хукм этилди. Кўзголончилар раҳбари Дукчи Эшон яшаган жой. — Мингтепа теп-текис килиниб, у ерга 200 оиласи рус кишлоги курилди...

Ислом ўз киёфасида нуфузли бир кучдирки, у билан биз, руслар, узок даврларгача, мукаррар равишда хисоблашишга мажбурмиз..."

Буюк олампапоҳ, Сиз бошкараётган хозирги буг ва электр асрида хамма миллий нифокларни текислайдиган, ўзаро низолардан кучланган умумий тинчлик гояси ва бунга кандай килиб бўлса хам интилиш чукур мулоҳазали иш бўлур эди.

С. М. Духовский, Туркистон генерал-губернатори (Император Николай II га юборган ахборотномасидан).

Россия империяси Хива хонлигини босиб олиш учун Туркистон харбий округига 2873000 сўм. Оренбург харбий округига 200000 сўм, бошка харажатлар учун шахсан генерал-губернатор Фон Кауфман ихтиёрига 400000 сўм пул ажратган эди.

М. Трентев, рус харбий тарихчиси.

Шомил барча руслар хукмронлигига карши курашаётган пахлавондир.
Александр Дюма, ёзувчи.

Кимки ўзгалар ютига килич ялангочлаб келса, билингки, ўша килич зарбидан унинг ўзи маҳв этилгай.

Александр Невский, рус саркардаси.

Бир минг сарт бир рус солдати этигининг пошнасига арзимайди.
Иванов, Фаргона генерал-губернатори.

Генерал-губернатор Густав Госфортга Чўкан Валихоновни киргиз (аслида козок) кийимида савдо карвони билан Кашгарга юборишга маслаҳат бердим...

Гарбий Сибир губернатори кўмондони Густав Госфорт тажрибали ва жасур кўмондон сифатида Туркистон хонликлари билан харбий тўкнашувдан сира хам кўркмасди.

Аммо генерал Петербург хокимияти олдида ўз мансабидан ажралиб колишидан жуда кўркарди.

П. П. Семенов-Тянъшанский, сайёх ва олим.

Туркистон ўлкаси Россияга фойда келтириши мумкин бўлибгина колмай, балки шундай

Юрт бўйнидаги килич ёки истило

Муаллиф:
20.02.2014 18:00 -

килишга мажбурдир. Бу фойдалар Россиянинг ўлкани истило килиш давридаги хамда курилиш ишларига кетган харажатларни коплаши керак.

Россия империяси харбий вазирлигининг 1906 йил март ойида граф Вите жаноблари номига йўллаган мактубидан.

Бухоро, Хива, Карши бозорларига назар ташлаб, рус савдоси кучли ривож топаётганига ишонч хосил килиш мумкин ва шуни муболагасиз айтиш мумкинки, бутун Ўрта Осиёда муайян бир рус буюми учрамайдиган бирорта хонадон, бирорта дўкон йўк.

Х. Вамбери, машхур сайёх ва тарихчи.

Осиёликлар Россияга олиб келаётган турли навли тўқима матоларни иккала хориждаги оддий халойик жуда хуш кўриб ишлатарди, чунки улар кийишга юмшок ва чидамли, шунинг учун давлатдаги армия учун жуда кўп холларда зарур бўлган каноп мато ўрнини босарди.

Кўконда ва бутун Кўкон давлатида пахта экини ва ипак курти бокиш учун тут дарахти тўлиб ётибди: хаммаёқда пахта экилган далалар кўзга ташланади, ундан кўконликлар мато тайёрлаб, бухороликлар билан рустоварларига — темир, кундуз, сандал, тўтиё, канцеляр уруги, денгиз мушуги, пўлат, мовут ва хоказоларга айирбошлайдилар.

Филиппин Назаров («Записки о некоторых народах и землях Средней части Азии» китобидан).

Рус кўшини 8000 кишидан иборат бўлиб, 70 дан ортик замбаракка эга эди. Йигирма кунлик камалдан кейин 1881 йилнинг 12 (24) январида Кўктепа калъаси хужум билан ишгол этилди. Сўнг талон-торож килиш учун аскарлар ихтиёрига тўрт кун ташлаб кўйилди. Калъани камал килиш ва забт этиш чогида 600—800 киши халок бўлди. Ўрта Осиёдаги бошка жангларга киёсласак, руслар катта курбонлар эвазига галаба козонганини кўрамиз, ўлган ва ярадорларни бирга хисоблаганда, улар 1000 дан ортик одамини йўкотди.

В. В. Бартолд, шаркшунос олим.

Кўктепа жангидаги жон бераётган бир мулланинг: «8000 бегунох одамни ўлдирганинг учун виждон азобига колмайсанми?» — деб берган саволига генерал Скобелев юзсизлик билан: «Йўк! Талофат 80000 га етмаганига ачинаман!»—деб виждонсизларча жавоб берган.

Миллатни йўк килиш учун уни кириш шарт эмас, унинг маданиятнни, санъатини, тилини йўк килсанг бас, тез орада ўзи адойи тамом бўлади...

Тўкилган хар томчи рус кони учун душман (ўрта осиёликлар) конини дарёдек оқизаман.. Дунё славянларники, славянлар эса Россияники...

Очиги мен урушни яхши кўраман. Хар бир миллат ўз худудини табиий чегараларгача кенгайтириш хукукига эга ва бу конунийдир.

Биз, славянлар, албатта Босфор ва Дарданеллни эгаллашимиз зарур, акс холда хар кандай тарихий ахамиятимизни йўкотамиз. Агар кўлимиз бу бўгозларгача етмаса, ерларимиз канчалик чексизлигига карамай, биз халок бўламиз.

Мен шуни кўриб, хис килиб турибман ва башорат килиб айтаманки, славянлар бир куни Германияни ейди. Немисларга асло токат кила олмайман...

М. Д. Скобелев, Фаргона генерал-губернатори.

Юрт бўйнидаги килич ёки истило

Муаллиф:
20.02.2014 18:00 -

Тарихий обидалар, осори-атикалар канчалик тез вайрон бўлса, Россия давлатчилиги учун шунча яхши.

А. В. Самсонов, Туркистон генерал-губернатори.

Умуман Бухоронинг давлат хўжалити талончилик билан иш юритмоқда ва бунинг окибатлари халокатдидир. Афсуски, бизнинг хукуматимиз бу холатга кераклича эътибор бермаяпти. Охир-окибатда (сўнг эътибор берилганда) кеч бўлади ва хозирги бой давлат ўрнига рус давлати гарданига оғир, янги юқ бўлувчи кашшок давлатга эга бўламиз.

Бухорога диккатни жалб этишнинг мавриди аллакачон келди.

Д. Н. Логофет, рус тарихчиси ва амалдори.

Россиядаги мусулмон халкларга бирорта хадо ижтимоий-сиёсий хукук берилмаслиги керак.

П. Илинский, Россия маорифи намояндаси

Мен сизга уч марта (1870 йил январда) хат ёзиб, бирортасига жавоб олмадим. Бунинг устнга менинг сўнгги элчимни хам ушлаб колгансиз. Бундай харакатларга ортиқча чидаб бўлмайди. Иккитадан биттаси — ё айтганларимга кўнасиз-у, дўст бўламиз ёки айтганларимга кў-шилмайсиз-у, душман бўлиб коламиз...

Фон Кауфман (Хива хонига ёзган хатидан).

Жаноби император хазрати олийлари, Сизни янги шодиёна билан кутлаётганимдан баҳтлиман: Ўрта Осиёнинг машхур ва кўхна шахри, мусулмончилик маркази, тарихий шуҳрати билан донг таратган Самаркандни бирорта хам ўқ отмай топширдилар. Сизнинг баҳодир ва содик кўшинларингизга дарвозаларни очиб, жаноби олийларининг оёгига йикилдилар...

Фон Кауфман (1868 йил 2 майда император Александр II га йўллаган мактубидан).

Приставларнинг хокимлик суришлари шу даражага етдики, улар, хатто масжидларга кўнгирок осиш харакатида бўлдилар. Ўзларининг тўраликларини ва хукмдорликларини кўрсатмок учун намоз вактида масжидга итлар билан кириб келдилар...

Туркистонда ишлатилмоқда бўлган ерларнинг 55 фоизи рус келгиндиларининг кўлига ўтди. Шундай килиб, чор хукумати Туркистонда ерли халкларни эзишдан бошка хеч бир иш кўрсатмади. Ўзининг кетинда (оркада) колганлиги ва фойдалана олмаганлиги сабабли, чор хукуматининг энг бой бўлган тог маъданларини ишлатишга хеч кимга ихтиёр бўлмади...

Турор Рискулов, давлат, жамоат арбоби.

Россияда конун йўқ. Унда бир устун бор, холос. Устунга эса тож кийгизиб кўйилган.

А. С. Пушкин, шоир.

Боскинчилик қаҳрамонлик бўлолмайди.

Чингиз Айтматов, ёзувчи.

Тарихий хакикат жохилни канчалик тахкирласа, тарихий ёлгон хам фозилни шунчалик тахкирлайди.

Муаллиф:
20.02.2014 18:00 -

Ўлжас Сулаймонов, шоир.

Эллик йилдан бери эзилдик, тахкир этилдик, кўлимиз bogланди, тилимиз кесилди, оёгимиз копланди, еrimiz босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурилди, комусимиз гасб килинди, хукукимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёглар остига олинди — тўзимли турдик, сабр этдик. Кўча таянган хар буйрукка бўйсундик, бутун борлигимизни кўлдан бердик. Ёлгиз бир фикрни бермадик, яшинтирдик, иймонларимизга ўраб сакладик...

Золимлар сени кимсасизми кўрдилар. Йўк, сен кимсасиз эмассан. Мана мен бутун борлигим билан сенга кўмак килувчи хозир манамен, чин кўнгил билан сенинг йўлингдан ўлурга рози... устимга инсонлар эмас, шайтонлар кўшини келса, оёгимга занжирлар эмас, жаханнам инсонлари сорилса, яна сен сари чопарман. Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкилса, зулм чўпининг темир тиканлари кўзларимга кирса, яна сени куткаарман...

Россия давлати бизнинг ўлкаларимизни келиб босди. Ортик биз Туркистон турклари Оврупо маданиятини ташигувчи бўлган рус миллатига йўликкан бўлдик. Маданий руслар билан котишиб уларнинг далолати билан Оврупонинг маданий ва ижтимоий усувларидан таъсир олмогимиз керак эди. Шуни хам айтиб ўтайликким, бундай бир таъсирни рус миллатининг авом табакасидан олмогимиз мумкин эмас эди. Чунки бизнинг авомимиз улардан юз маротаба маданийрок эди...

Бизнинг диний за миллий хиссиётларимизни ўлдирмок тилаги билан Остроумов каби мутаассиб пўпларнинг идорасинда газета чикарилди, мактаб очилди, лекин ўз миллатимиз ва диёнатимизни англамок учун ўз тарафимиздан очилган мактаблар ва газеталар bogланди, шаръий махкамаларимизнинг хукук ва салоҳиятларидан буюк бир кисми гасб этилди. Махкамаларда, уйларда, йўлларда, тижорат ишларида, хатто вагон арабаларинда Туркистон мусофири бўлган рус ва арманидан тубанда тутилди...

Эй улуг Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Холинг калайдир! Нечук кунларга колдинг? Эй Чингизларнинг, Темурларнинг, Ўгузларнинг оиласарининг шонли болалари! Кани учикдигинг юксак ўринларинг? Куллик чукурларига недан тушдинг!...

Абдурауф Фитрат, адаб, олим.

Кимки ерли халкка ва унинг тилига юкоридан назар килса, кимки мустамлакачилик феълларини изхор этса, ундаи кишини хукумат махкамаларидан раҳмсизларча хайдаш керак.

Л. Троцкий, партия, давлат арбоби.

Туркистон мустамлака сифатида инглиз ва франтсуз-мустамлакаларига ўхшаш тузумда идора этилади.

«Туркестанский курер» газетаси, 1917 йил 15 апрел.

Россияда хеч кандай турк-татар халки йўк, унда-бунда тўп-тўп кабилалар учраб колади, уларни хеч бир миллатга мансуб деб булмайди.

Н. Илминский, рус миссионери.

Султон Содик (чор Россияси боскинчиларига карши курашган жасур Кенесариннинг ўгли), жасурликда Алимкул (Кўкон хонлигининг саркардаси)дан колишмас экан. Султон Содик - даштнинг сўнгти арслони.

Юрт бўйнидаги килич ёки истило

Муаллиф:
20.02.2014 18:00 -

М. Черняев, генерал.

1868 йилнинг ёзида генерал К. П. Кауфман буйруги билан Самарканд шахри тўпга тутилди. Зобитлар курсовида зафар ўриндигига ястаниб олган олийжаноб Константин Петрович (Кауфман) тўхтовсиз папирос тутатар ва бутунлай шафкатсиз охангда: «Отиб ташлансин! Отиб ташлансин! Отиб ташлансин!», деган гапини такрорларди, холос. В. Верешчагин, рассом.

Туркистон галласи Россия галласига, пахтаси эса Америка пахтасига кушандаднр. Туркистон ахолисининг ахволи нима кечса кечсин-у, лекин Россия манфаатлари тўла саклансин.

А. Кривошеин, чор Россияси дехкончилик вазири.

Мамлакатда яшовчи барча халклар подшо хазратларининг фарзандлари. Аммо бу кўп сонли онлада руслар бошкаларга нисбатан катта ога бўлишлари лозим...

Кўктепа калъаси ичига караш даҳшатли эди. Беҳисоб ўлуклар бир неча кундан бери уйилиб ётарди. Баъзи кулбалар мурдага тўлиб кетган эди...

Биз 50 йил мобайнида тубжой ахолини тараккиётдан жиловлаб, мактаблар ва рус хаётидан четда тутиб келдик...

Россия карамогида собик Оърта Осиё хонликларидағи ерли халклар кирк-еллик йил мобайнида рус найзалари химоясида тинч хаёт кечирдилар, ривожландилар ва бойидилар. Ватан учун оғир дамларда талаб этилаётган пайтда улар Россияга мардикорлар етказиб бердилар.

А. Н. Куропаткин, Туркистон харбий генерал-губернатори.

М. Черняев ашаддий шовинист эди. Унинг назарида, Кўкон хонлигида яшаган ўзбеклар, киргизлар, кипчоклар ва бошка халклар факат тўн (чопон) кийганликлари учунгина кириб ташлашга лойикдирлар.

З. А. Кастелская, рус харбий тарихчиси.

Россияни мен бошқараётганим йўқ, 35000 амалдор бошкармокда.

Николай II, Россия подшоси.

Биз Туркистонга маданият олиб келдик, деб ўйлаймиз. Бўйсундирилган осиёликларга тинчлик ва осойишталик бердик, деб ўзимизни овутамиз. Аммо буларда (туркистонликларда) хам бир олий туйгу борки, бу миллат ва унинг миллий ифтихоридир. Мусулмонлар ахволини тушунишимиз керак. Сиёсий ўлим (миллий давлатчиликнинг ўйкотилиши) оғир, миллий ўлим эса ундан хам оғиррокдир. Бизнинг хукмронлигимизда улар худди шундай ахволга тушдилар. Бас, шундай экан, хукмронлигимизга карши галаёнлар рўй берса, ажабланишга ўрин йўқ. Шундай миллий манфаатлар борки, улар халк оч ёки тўклигидан катъи назар, бир кунмас бир кун ўзини намоён этажак.

Н. Н. Веселовский, тарихчи.

Генерал Черняев Тошкент тарафдан хужумга ўтиб, кўп кон тўкишлардан сўнг Бухоро кўргонлари — Жиззах, Самарканд, Каттакўргонни бирин-кетин эгаллай бошлади. Шундай килиб, бутун Зарафшон водийсининг юкори кисми Россия томомидан босиб

Муаллиф:
20.02.2014 18:00 -

олиниб, эгалланди.

Д. А. Логофет, тарихчи ва амалдор.

1916 йили Самарканда халкнинг зулмга карши норозилик харакати кўтарила борди, гоҳ у ер, гоҳ бу ерда ур-йикитлар, ўлдиришлар содир бўлиб турарди, махаллий хукмдорларнинг тушунтиришлари ва огохлантиришлари халкка таъсир килмади, маъмурларнинг сўзларига халкнинг мутлако ишончи колмади, нихоят, бу хакикат Россия хукуматига карши очикдан-очик кўзголон тусини олди.
Н. Ликишин, Самарканд вилояти харбий губернатори.

1916 йилги Жиззах кўзголонида катнашган «жиноятчилар»ни кидириб топгандан кўра, уларнинг уйларига ёппасига ўт кўймок маъкул.

Н. М. Росс, уезд хокими.

Агар рус хукумати ўз даврида илм-фаннинг канчадан-канча яловбардорларини етказган шонли араб мадрасаларини мусулмон фукаролари учун рус замонида кайта тиклаганларида эди, Ватан ва инсоният олдида буюк хизмат килган бўларди...
Биз — туркий халклар кадим-кадимдан Мармар денгизидан Хитой деворигача ёйилган йирик бир тарихий этнографик бирлик ўларок яшаб келдик, худди шундай яшамогимиз керакдир...

Руслаштириш авжида, Идил-Волга бўйидаги татарлар орасидан бирор мансабдор у ёқда турсин, масjidга имом хам миссионер Н. Илминский рухсатисиз тайинланмайди.

Туркистонда Остроумов тўра, Кавказнинг хам ўз тўралари (руслар)дан бошласини миллат деб хисобламайдилар...

Исмоилбек Гаспирали, буюк маърифатпарвар адаб.

Чор Россиясини йўкотиш жадидлар тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва максадимиз хам шундан иборат, яширин эмасди.

Мунаввар Кори Абдурашидов.

Хархолда бу мустамлакачилар мустамлакачилик харом мамлакатда тезрок йўк килинишга тегиш!

Чулпон, шоир.

Россия шиддат билан ўсмокда. Буюк Петр замонида унинг ахолиси 15 миллион эди. Катерина тахтга чиккан йили 25 миллион бўлди. Александр II ўлган йили 58 миллионга чиқди. Хозир (1871 й.) эса 77 миллион бўлибди. Нуфуснинг бундай шиддат билан кўпайиши руслардаги кўп тугилиш кобилиятидан эмас, аксинча, ишгол этган ўлкаларидаги ахолини тезкорликда руслаштира олишлари билан изохланади. Бундан ўттиз (1851) йил бурунги Бутлинг Катрин ва Регулининг илмий экспедитсиялари натижалари шуни кўрсатдики, Лена хавзасида ёкутлар, Гарбий Уралда vogul (манси кабиласининг эски номи) ва вотяклар (хозирги удмуртлар) сон жихатидан хозиргидан беш марта баъди кўп эдилар, киска бир вакт ичидаги руслаштирилдилар. Руслар ишгол килган турк кавмларининг бошига хам ёкут ва vogулларнинг куни тушади.
Херман Вамбери.

Юрт бўйнидаги килич ёки истило

Муаллиф:
20.02.2014 18:00 -

Скобелев Ионовни зугумга олгач, у кўл остидаги солдатларни хужумга бошлаб, эмизикли болаларни хам чопиб ташлади.

В. Наливкин, рус зобити.

Тошкент шахар фукаролари ва кариялари ибодату намоздан кўра (мудофаачиларига) кўлндан келганча ёрдам бериш афзалрок ва савоб, деб аскарларга, гозийларга сув, озик-овкат ташиб турдилар...

Кўкон хони лашкарбошнисн Алимкул Тошкент ахли фукароларининг кўрсатган гайрат-шижоат ва қаҳрамонликларини ва хурсандчилигини изхор килиб, бир томчи кон колгунча душманга карши курашишга даъват этди.

Мухаммад Солих Тошкандий, тарихчи.

Хонлик халки урушни давом эттиришни талаб этаётган бир пайтда кофириларга товон—контрибуцсия тўлашдан кўра бир томчи кон колгунча курашиш афзалроқдир. Усмонбек, Кўкон хони лашкарбошиси.

Дариго, ушбу Чимкентни руслар хўп хароб килди,
Ёмону яхшини кўймай кириб, сўйиб адо килди.
Мусулмонлар кучи етмай, ўрусларга сўзи ўтмай,
Ўруслар ўнг-сўл кириб, охири замон килди.
Хусайн Шайх Камина, шоир.

Колония (мустамлака) коидаси бирла бизни идора этурларки, бунга ўз ихтилофимиз сабаб бўлур. Бошка халклар хар дақика тараккий этмоқдадур. Такрор арз килурмизки, ёш ва катталар бир бўлиб ишламок керак. Вале бизга на хуррият колур, на-да мухторият берилур...

Халкимизнинг хозирги ихтилофи мени дилхун этур, маъюс этур.
Махмудхужа Бехбудий, адаби.

Россия томонидан Туркистоннинг забт этилганлиги бу ахволга тузукрок ўзгариш киритмади. Чор Россияси хозирги Туркистонни забт этиб, Бухоро ва Хива хонликларики ўзига мустамлака килиб олди.

Файзулла Хўжаев, давлат ва жамоат арбоби.

Русларнинг Ўрта Осиёдаги хужумкор харакати харитасига карасангиз, бу мамлакатнинг камал килинмокчи бўлган калъага карши унинг атрофига кўшни тўплашдан иборат харбий оператсияга ўхшаганлигига хайратда коласиз. Бундай кўшин тўплаш бундан йигирма йил муқаддам (1848 йилда) Каспий денгизидан Оренбург ва Сибир даштлари оркали Иртишга томон ташкил килинган эди. Бу кузатиш линияси эди.

Иккинчиси-намойиш линияси. Иккинчи намойиш линияси Каспий денгизидан бошланиб, Красноводск оркали Оксусга, Хиванинг жанубига ва Оксус оқими бўйлаб Помир яssi тогларига кадар боради. Нихоят, учинчи линия Астеро шахридан бошланиб Эрон чегарасигача, ундан Хиротга ва бу ердан Оксусгача чўзилади. Эҳтимол, Кандахор оркали ўтиб Кобул (Афғонистон) томон боради.. Ана шунда Марвнинг ишгол килиниши мукаррар бўлиб колади. Бу оператсия туфайли Россия Хиндистон калитини кўлга олади. Генри Роулисон, машхур инглиз жуғрофи, сайёхи (1968 йил июлда Англия хукуматига

Муаллиф:
20.02.2014 18:00 -

йўллаган мактубидан).

Туркистон халкларида рус хокимииятига карши кўзголон кўтариш бефойда ва халокатли деган тушунча чукур илдиз отган.

Гирс, чор хукуматининг маҳфий маслахатчиси (Туркистоннинг 1880—1884 йиллардаги хаёти тўгрисида берган маълумотномасидан).

Бу вахшиёна юриш (1873 йили генерал Веревкиннинг Хива хонлигидаги Кўнгирот, Хўжайли, Мангит, Гурлан ерларини вайрон килиши) окибатида на инсонлар ва на уй хайвонлари колди...

Козок (казак) отликлари кўзга кўринганни отиб, кариялар, боболарни, аёлу атволни килич билан чопиб (генерал Фон Кауфман, Головачевларнинг 1873 йилда Хивани киргин килиши), сут эмадургон ўглонларни найза билан санчиб ўтга отар эдилар. Ондан ўтиб, яна бир ёвмут жамоаларини катл этдилар. Йигирмадан ортик хотунлар ўглонларини кучокларига олиб кўлга кириб, сўз ичида, эқинларнинг ораларида пинхон бўлиб туриб эдилар. Русия аскарлари аларни кўриб милтик ўки билан отуб катл этдилар...

1881 йил 1-12 январда генерал М. Д. Скobelев Туркманларнинг Кўктепа калъасида киргин уруши олиб борди. 12 январ куни сўнгги мудофаатчилар тигдан ўтказилди.

Ярадорлар хам найзага тортилди. Киргин охирида факат 5 минг хотин-киз омон колдирилиб, улар голиб аскарлар ихтиёрига берилиди. Номуси оёк ости килинган бу аёллар Эрон феодалларига сотиб юборилди. Кўктепадаги киргинбарот урушини рус генераллари мактаниб, «Иккинчи Бородино» жанги деб атайдилар.

Мухаммад Юсуф Баёний, тарихчи, шоир.

Илгари Туркистонда, эски одатга кўра, аскарликка рагбат ва хавас бўлар эди. Хозир аскарликдан озод этилганликлари сабабли туркистонликларнинг шижаотлари аста-секин сўниб, бўшашиб кетди... Россия Осиёда гоят узокни кўзловчи сиёsat кетидан кувувчи ва бу кенг камровли харакатларда хеч кандай чек-чегараси бўлмаган, хирс ва иштахаси кун сайин ошиб борувчи империалистик давлатдир. Рус миллати хам буюк давлатчиликка нихоятда bogланган, хусусий мулкка караб колмай, хукумат кўрсатган хар кандай жойга, хар кандай ўлкага бориб жойлашишга жомадони тайёр, харакатчан, гайрат килади. Рус миллати бу харакатчанлик ва гайратни алоҳида бир улдабуронлик деб билади.

Ахмад Закий Валидий, йирик давлат арбоби, олим, Туркистонда миллий-озодлик харакати раҳбарлари ва ташкилотчиларидан.

Кўп жихатдан айб (Тошкентда 1892 йилнинг баҳорида вабога карши кўтарилган халк кўзголони учун) ўзимизда, албатта, уларнинг («сарт»ларнинг) феъл-атворини, конун-коидаларини ўрганганимиз йўқ ва хали хам ўрганмаяпмиз. Бунда айб факат вабонинг ўзидағина эмас, бу сабр косаси тўлган халкнинг газабини тошириб юборган сўнгги томчидир. Халк норозилиги аллакачондан бери кучайиб, йигилиб келмокда эди. Кейин эса бошка норозиликлар кўшилиши билан бирданига кўзголон бошланиб кетди. Н. П. Остроумов, чор Россиясининг миссионер амалдори (1892 йил 29 июнда амалдор дўстларига юборган мактубидан).

Туркистон генерал-губернатори А. В. Сомсонов Россия императорига Туркистон

Муаллиф:
20.02.2014 18:00 -

мусулмонларининг онги ўсиб, ўлкада инкилобий тўнтариш ясашга бўлган харакати хакида шуларни хабар килади: мустамлака маъмурияти идоралари Фаргона вилоятида «идора тартиблари» ва жамоат осойишталигига карши кураш» сифатида 1911 йилда 833 та, 1913 йилда 220 та «жиной иш» кайд этилган. Сирдарё вилоятида эса шундай «айблар» билан 1911 йилда 3487 киши, 1913 йилда 5394 киши жавобгарликка тортилган. Х. Бобобеков, тарих фанлари доктори.

«Туркистон— руслар учун» шиори остидаги ислохотни амалга оширишга гайрат билан киришилди. Империяга кўшиб олинган бу худуд империя билан чамбарчас боғланган мустамлака сифатида каралиши лозим.

Бу жой (Марказий Осиё ўлкалари) Оврупо Россияси мануфактура саноати эҳтиёж сезаётгандан махсулотларни етиштиришга кодирдир.

Кисман кўчманчи чорвадор ва кисман ўтрок, асосан дехкон ахоли яшайдиган бу мустамлакада мануфактура саноати жуда заиф ривожланган, шунинг учун хам у табиий равишда Оврупо Россияси мануфактура махсулотлари чаккон сотиладиган бозорга айланади.

М. Бродовский, Россия империясининг махаллий савдогар амалдори.

Туркистон ўлкаси учун кўйилган «миссионер», шовинист Остроумовнинг таклифига кўра, Туркистон мусулмонларига жума намозларида (хутбаларида) ок пошто номини кўшиб ўкишликка кўрсатма берилди. Мустамлака мусулмонлар таҳкирланиб, рус амалдорларига таъзим бажо келтиришга мажбур эдилар, масжидларда ит етаклаб юриш одатини мустамлакачилар тарк этмадилар.

Мустафо Чукаев, Кўкон муҳториятининг раиси.

Худонинг иродаси билан мана 12 йилдирки, ярамас руслар мусулмон шахарларини эгаллаб олди. Тошкент, Оъратепа, Самарканда динимиз шуъласини ўчириб, эътиқодимизга путур етказдилар. Шу сабабли хам биз, барча мусулмон халклари, ўз хонимиз (Худоёрхон)дан мукаддас уруш бошлашни сўраймиз, Лекин у (Худоёрхон) хак йўл колиб, ноҳак йўлдан кетмоқда. Хон руслар билан тил бириктирган кўринади, Кўплаб совгалар жўнатган ва рус подшосидан «муқаддас хон» деган ёрлик хам олган. Шу сабабли бизнинг илтимос ва маслаҳатларимизга кулок солмаяпти. У ўз юзини мусулмонлардан тескари ўғирди ва биздан йироклашди. Шундан сўнг биз барча рухонийлар йигилишиб. ноконуний ишларининг барчасини бирлаштириб йўқ килишга келишдик... Абдурахмон офтобачи рус боскинчиларига карши 1898 йил 17-18 май кунларида Андижонда бўлган халк кўзголонида бошчилик килган мингтепалик (хозирги Марҳамат тумани) Эшон (Дукчи Эшон) Мухаммадали Халиф истибдодга карши халк кўзголонини шундай ифодалайди:

- 1). Руслар ўлкани (Оърта Осиё за Козогистонни) босиб олгач, уларнинг махаллий халк мулкига кўз олайтириши кучайди.
 - 2). Шариат кўрсатмаларидан йироклашилди.
 - 3). Рус хокимлари дастлаб халк билан юмшок муомалада бўлган бўлсалар-да, ибодатни такиклаб кўйди.
 - 4). Закот бекор килинди.
 - 5). Халк вакф конунларидан маҳрум этилди.
- Мухаммадали (Дукчи Эшон) халифа ёдномасидан.

Юрт бўйнидаги килич ёки истило

Муаллиф:
20.02.2014 18:00 -

Олмониянинг «Бишоф» фирмаси 1903 йилда Туркистондан пахта сотиб олиш учун Туркистон ўлкасидағи Давлат мулклари ва ер бошкармаси хузуридағи кишлок хўжалиги солик ишлари амалдори — чиновник Понятовскийга мурожаат этди. Оърта Осиё пахтасига «хўжайн» хисобланган рус агрономи Понятовский олмонларга шундай жавоб кайтарган: «Бизнинг толамизни Олмонияга сотиш максадга мувофик эмас. Бунинг сабаблари: биринчидан, бизнинг пахтачилигимиз катта йўкотишлар эвазига кўлга киритилди. Энди у аввало рус саноатини бойитиши керак, хорижни эмас. Учинчидан, анни пайтда Россия ўз толасига хом ашё сифатида жуда катта эҳтиёж сезмокда.

«Дело управления земледелия и государственных имуществ в Туркестанском крае» (1903 й.) тўпламидан.

Бўлгуси кўчманчи посёлкалар (Россиядан Оърта Осиёга кўчирилган рус посёлкалари) кашшок эмас, балки бой ва фаровон бўлмоги керак.

Кривошеин, ер ишлари ва ер курилиши бош бошкармаси бошлиги.

1906 йилда ўлканинг (Оърта Осиёнинг) беш вилоятида мавжуд 136 посёлка 451 минг таноб ерга эга бўлди.

Хар бир хўжалик томоркаси 34,4 танобдан эди.

«Дело Кантселярии Туркестанского генерал-губернатора» (1907 й., 52-сон) тўпламидан.

Оъзи томонидан тобе килинган сарт (ўзбек)нинг хўжалигига батрак бўлиб ишлаши рус кишиси шаънига ярашмайди. Бу айни пайтда ўлгадаги тубжой ахолида русларга нисбатан бошқача муносабат шаклланишига олиб келади. Русларнинг сартлар кўлида ишлаши коида даражасига кўтарнлишига давлат йўл кўймаслиги керак.

«Вопросы колонизации» журнали, 1913, 13-сон.

Сарт ўз ерида, ўз оиласи билан ишлаганида сўзсиз меҳнаткаш бўлади, вижданан ишлайди. Бу холат сарт рус кўлида ишлаётганида бошқача намоён бўлади. Чунки у бу пайтда ўзининг вижданан ишлаши кераклигини хис килмайди. Мен Н. Н. Андреев хутори (кишлоги)да буни ўз кўзим билан кўрдим. Сарт бу ерда кузатувчи турганлигига карамай, макр-хийла йўлига ўтиб олдй... У жуда секин кимирлар ва бунга эса жазирама иссикни баҳона килиб кўрсатарди. Хаккатда европаликлар (руслар) бу кадар иссикка дош беролмасдилар.

Н.Н.Александров,

Фаргонадаги Андреев хуторининг хўжайини.

Туркистоннинг ортиклича хар бир пуд галласи — бу рус ва Сибир галласининг ракибидир.

Туркистоннинг ортиклича хар бир пуд пахтаси — бу Америка пахтасининг ракибидир.

Шунинг учун гарчи киммат бўлса-да, яхиси, ўлкага галла келтириш керак.

Ўзлаштирилган янги ерларга эса пахта экиш лозим.

«Вопросы колонизации» журнали, 1913, 12-сон.

Мажид Хасанийнинг “Юрт бўйнидаги килич ёки истило” (Тошкент. «Адолат». 1997)

Юрт бўйнидаги килич ёки истило

Муаллиф:
20.02.2014 18:00 -

китобидан олинди